



**TASHKENT STATE
UNIVERSITY OF ECONOMICS**

EXPECTED DURATION OF EDUCATION

HRM LIFE EXPECTANCY HEALTH STATUS HUMAN C

STATUS HUMAN CAPITAL HUMAN CAPITAL IND

VOLUME 7 / 2024

LABOR ECONOMIC

QUALITY OF EDUCATION EXPECTED DURATION C

DURATION OF EDUCATION

LIFE EXPECTANCY HEALTH

HRM HUMAN CAPITAL

HUMAN CAPITAL INDEX

QUALITY OF EDUCATION EXPECTED DURATION

MEHNAT IQTISODIYOTI VA INSON KAPITALI

ilmiy elektron jurnali

LABOUR ECONOMICS AND HUMAN CAPITAL

scientific electronic journal

2025 yil 1-son

Volume 4, Issue 1, 2025



МЕХНАТ ИКТИСОДИЙОТИ
ВА ИНСОН КАПИТАЛИ
ISSN: 3030-3117



LABORECONOMICS.UZ

МЕХНАТ ИКТИСОДИЙОТИ ВА ИНСОН КАПИТАЛИ
№ 1-2025

ЭКОНОМИКА ТРУДА И ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ
КАПИТАЛ

LABOR ECONOMICS AND HUMAN CAPITAL

“Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali” ilmiy elektron jurnali O’zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasi (OAK) rayosatining 2023-yil 3-iyundagi 328/3-sonli qarori bilan ro’yxatga olingan.

Muassis: “Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali” ilmiy maktabi.

Tahririyat manzili:

100066, Toshkent shahri, Islom Karimov ko’chasi,
49 uy

Elektron manzil: ilmymaktab@gmail.com

Jurnal web-sayti: www.laboreconomics.uz

Bog’lanish uchun telefonlar:

+998998818698

Tahririyat Kengashi raisi:**(Chairman of the Editorial Board)**

Abduraxmanov Qalandar Xodjayevich, O'zFA akademigi

Tahririyat Kengashi a'zolari:**(Members of the Editorial Board)**

Toshqulov Abduqodir Hamidovich, i.f.d., prof.

Yusupov Axmadbek Tadjiyevich, i.f.d.. prof.

Sharipov Kongratboy Avezimbetovich, t.f.d., prof

Raifkov Kudratilla Mirsagatovich, i.f.d., prof

Xalmuradov Rustam Ibragimovich, i.f.d., prof

Umurzakov Baxodir Xamidovich, i.f.d., prof.

Nazarov Sharofiddin Xakimovich, i.f.d., prof.

Jumayev Nodir Xasiyatovich, i.f.d., prof.

Abduraxmanova Gulnora Kalandarovna, i.f.d., prof.

Eshov Mansur Po'latovich, i.f.d., prof.

Zokirova Nodira Kalandarovna, i.f.d.. prof.

Xudoyberdiyev Zayniddin Yavkachevich, i.f.d., prof.

Muxiddinov Erkin Madorbekovich, i.f.f.d., (PhD)

Xolmuxammedov Muhsinjon Murodullayevich, i.f.n., dots.

Amirov Lochinbek Fayzullayevich, i.f.f.d., (PhD), dots.

G'oyipnazarov Sanjar Baxodirovich, i.f.d., (DSc), dots.

Shakarov Zafar Gafarovich, i.f.f.d., (PhD)

Jamoatchilik Kengashi a'zolari:**(Community Council members)**

Bred Bodenxauzen (AQSh)

Jon Ankor (Buyuk Britaniya)

Odegov Yuriy Gennadevich (Rossiya Federasiyasi)

Xeynz Miller (AQSh)

Sung Dong Ki (Koreya Respublikasi)

Masato Xivatari (Yaponiya)

Gerxard Feldmayer (Germaniya)

Eko Shri Margianti (Indoneziya)

Ahmed Mohamed Aziz Ismoil (Misr)

Rohana Ngah (Malayziya)

Sharifah Zanniyerah (Malayziya)

Teguh Dartanto (Indoneziya)

Nur Azlinna (Saudiya Arabiston)

Muhammed Xoliq (Pokiston)

Alisher Dedaxonov (Toshkent)

Mas'ul muxarrir (Editor-in-Chief): G'oyipnazarov Sanjar Baxodirovich

Veb-administrator (Web admin): Musayev Xurshid Sharifjonovich



+99899 881-86-98



ilmiymaktab@gmail.com



Tashkent, Uzbekistan



www.laboreconomics.uz

MUNDARIJA (CONTENTS)**МЕХНАТ БОЗОРИ ВА МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ**

S.B.G'oyipnazarov	<i>Сунъий интеллектнинг меҳнат бозори ва иш билан бандликка бўлган таъсири</i>	5-16
I.A.Bakiyeva	<i>Barқарор иқтисодий ўсиши таъминлашда меҳнат унумдорлигини ошириш масалалари</i>	17-26
S.P.Qurbanov	<i>Mehnatga haq to'lashning eng kam miqdorining aholi unumli bandligini oshirishdagi ahamiyati</i>	27-36
O.Q.Xatamov	<i>Raqamlı texnologiyalar assosida olıy ta'lım muassasalari bitiruvchilarni bandligini ta'minlash mexanizimlarni takomillashtirish.....</i>	37-47
T.T.Xalikov	<i>Ish o'rirlari barqarorligini ta'minlash: muammolar va istiqbollar</i>	48-55
N.R.Saidov	<i>Малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида касбий таълимда халқаро таълим дастурларини жорий этиши</i>	56-70
F.O'Masharipov	<i>Yoshlarga xorijiy tillarni o'qitish orqali mehnat bozorida malakali kadrlar tayyorlash: muammolar va yechimlar</i>	71-80
S.Sh.Matkarmova	<i>Yashil iqtisodiyotning ahamiyati va bandlik imkoniyatlari</i>	81-94
T.M.Bobojonov		

INSON KAPITALI

Ye.R.Kim	<i>Подходы к оценке состояния человеческого капитала в стране</i>	95-107
-----------------	---	--------

INSON TARAQQIYOTI

B.B.Mardonov	<i>Taъlim xizmatlarinin moxijati, ijstimoий-иктисодий аҳамияти</i>	108-116
J.S.Pardayev		
R.Z.Muxammadiyev	<i>Ўзбекистонда давлат тиббий суғуртаси: ютуқ ва камчиликлар</i>	117-126
Y.X.Turdiyeva	<i>Финансовая поддержка государственно-частного партнерства: новый взгляд на дошкольное образование</i>	127-133

KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISH

G.R.Adashov	<i>Роль показателя совокупного дохода в сокращении бедности в Узбекистане</i>	134-141
--------------------	---	---------

MIGRATSIYA

K.M.Habibullayev

Yuqori malakali mutaxassislarga bo'lgan ehtiyojni baholash ko'rsatkichlari 142-155

O'.X.Abdukarimov

INSON RESURSLARINI BOSHQARISH

Ўзбекистон давлат фуқаролик хизмати тизимида инсон ресурсларини ривожлантириш: миллий тажриба ва замонавий тенденциялар 156-165

S.S.Abdullayev

Raxbar xodimlarning boşqaruv faoliyati samaradorligini baҳolashaiga bўlgan ilmiy ёндашувлар 166-178

M.G'.Abdurazzoqov

Strategik boshqaruvning mazmuni va uning ishlab chiqarish korxonalaridagi ahamiyati 179-186

TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISH

M.X.Saidova

Rivojlangan va rivojlanayotgan mamlakatlar tajribasi asosida biznes rivojlanish jarayonlarini statistik va ekonometrik tahlil qilish 187-193

X.F.To'xtayeva

Analysis of the transformation of employment in the tourist services market of Uzbekistan and the state of its regulation 194-204

Sh.S.Qorriyeva

O'zbekistonda yashil moliyalashtirishni rivojlantirishning xorij tajribasi 205-219

O.R.Meyliyev
K.X.Gofurova

Raqamli transformatsiya bilan yashil moliyalashtirishning uyg'unligi 220-231

A.N.Kaxorova

Sanoat tarmoqlarining tarkibiy tuzilishini takomillashtirishning nazariy asoslari 232-239

N.O.Jumaniyazov

M.Y.Umarov

R.B.Otamurodov

M.T.Kurbanbekova

Z.A.Xamidova

S.B.Xujaxonova

Fundamental issues of modern finance in the context of a green economy 240-247

Qoraqolpog'iston Respublikasida milliy turizmni rivojlantirishda hunarmandchilikni o'rni (hunarmandchilikni rivojlantirish misolida) 248-254

U.U.Raxmatullayev

O'zbekiston mintaqaviy iqtisodiyotida qayta tiklanuvchi energiya manbalarini rivojlantirishdagi muammolar 255-264

N.Sh.Dexkanova

Y.F.Najmuddinov

Sanoat korxonalarida energiya intensivligi va unga ta'sir etuvchi omillar tahlili 265-276



ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИ ТИЗИМИДА ИНСОН РЕСУРСЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ: МИЛЛИЙ ТАЖРИБА ВА ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР

Абдукаримов Уткир Хамзаевич

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг
Тошкент шаҳар филиали Инсон ресурслари ва кадрлар
салоҳиятини ривожлантириш бўлими бош инспектори,
мустақил тадқиқотчи

DOI: https://doi.org/10.55439/LEHC/vol2_iss1/a158

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистон давлат фуқаролик хизмати тизимида инсон ресурсларини ривожлантиришнинг миллий тажрибаси ва замонавий тенденциялари комплекс таҳлил қилинган. Ушбу йўналишда Ўзбекистонда ва хорижда амалга оширилган ислоҳотлар, шунингдек, илғор методлар ва халқаро амалиётлар контекстида қўлланилаётган стратегиялар кўриб чиқилган. Илмий усуслар ва таҳлил натижасида тизимнинг ривожланиши, унинг барқарорлиги ва замонавий талабларга мослашувчанлиги аниқланади.

Мақоланинг асосий мақсади – миллий тажриба ва замонавий методологияларни бирлаштириб, келажакда давлат фуқаролик хизмати тизимини янада самарали ривожлантиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқишидир.

Калит сўзлар: Давлат фуқаролик хизмати, миллий тажриба, инсон ресурсларини ривожлантириш, замонавий ахборот технологиялари, малака ошириш, маҳаллий ҳокимият органи, кадрлар тайёрлаш тизими.

РАЗВИТИЕ ЧЕЛОВЕЧЕСКИХ РЕСУРСОВ В СИСТЕМЕ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ГРАЖДАНСКОЙ СЛУЖБЫ УЗБЕКИСТАНА: ИСТОРИЧЕСКИЙ ОПЫТ И СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ

Абдукаримов Уткир Хамзаевич

Главный инспектор отдела кадровых ресурсов и
развития кадрового потенциала Ташкентского городского
управления Агентства по развитию государственной
службы при Президенте Республики Узбекистан,

Исследователь

Аннотация. В данной статье всесторонне анализируется национальный опыт и современные тенденции развития человеческих ресурсов в системе государственной гражданской службы Узбекистана. В этом направлении были рассмотрены реформы,

реализуемые в Узбекистане и за рубежом, а также используемые стратегии с учетом передовых методов и международного опыта. В результате научных методов и анализа определяется развитие системы, ее устойчивость и адаптивность к современным требованиям.

Основная цель статьи – объединить отечественный опыт и современные методологии для разработки предложений, направленных на более эффективное развитие системы государственной гражданской службы в будущем.

Ключевые слова: Государственная гражданская служба, национальный опыт, развитие человеческих ресурсов, современные информационные технологии, обучение, орган местного управления, система подготовки кадров.

HUMAN RESOURCES DEVELOPMENT IN THE STATE CIVIL SERVICE SYSTEM OF UZBEKISTAN: HISTORICAL EXPERIENCE AND MODERN TRENDS

Abdukarimov Utkir Khamzaevich

Chief Inspector of the Department of Human Resources
and Personnel Potential Development of the

Tashkent City Branch of the Agency for the Development of the
Civil Service under the President of the Republic of Uzbekistan,

Researcher

Abstract. This article provides a comprehensive analysis of the national experience and modern trends in the development of human resources in the public civil service system of Uzbekistan. Reforms implemented in this area in Uzbekistan and abroad, as well as strategies used in the context of advanced methods and international practices, are reviewed. As a result of scientific methods and analysis, the development of the system, its stability and adaptability to modern requirements are determined.

The main purpose of the article is to develop proposals aimed at further effective development of the public civil service system in the future, combining national experience and modern methodologies.

Key words: State civil service, national experience, development of human resources, modern information technologies, training, local authority, personnel training system.

Кириш

Бугунги кунда юртимизда инсон ресурсларини ривожлантириш давлат фуқаролик хизмати тизимишинг асосий устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Давлат хизматчиларининг малакасини ошириш, уларни самарали бошқариш ва стратегик ривожлантириш механизмлари нафақат давлат бошқаруви самарадорлигини оширади, балки жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, инсон ресурсларини ривожлантириш бўйича яхлит сиёsat ва механизмларнинг мавжудлиги давлат хизматининг сифатини тубдан яхшилашга имкон беради.

Ўзбекистонда давлат фуқаролик хизмати тизимида инсон ресурсларини ривожлантириш масаласига сўнги йилларда катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, бу йўналишда Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан амалга оширилаётган ишлар мазкур соҳада янги имкониятларни очиб бермоқда. Давлат хизматчиларининг малакасини ошириш, раҳбар кадрларни баҳолаш тизимини такомиллаштириш ва замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш каби йўналишларда қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Шуларни инобатга олиб, мазкур мақолада давлат фуқаролик хизмати тизимида инсон ресурсларини ривожлантириш механизмларининг тарихий тараққиёти ва замонавий тенденциялари таҳлил қилинади. Тадқиқотнинг мақсади – ушбу механизмларнинг шаклланиши, ривожланиши ва ҳозирги ҳолатини ўрганиш орқали уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишидир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Ўзбекистонда давлат фуқаролик хизмати тизимида инсон ресурсларини ривожлантириш механизмларининг ривожланиши юртимизда амалга амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар доирасида муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун бир қатор стратегик чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

“The importance of the application of human resources management in the management of public sector organizations in Uzbekistan.” Файзиева М.Х. Fan, Ta’lim va Amaliyat Integratsiyasi. 2022. 2-нашр.²³ Ушбу тадқиқот Ўзбекистондаги жамоат ташкилотларида инсон ресурсларини бошқаришнинг аҳамиятини ёритишга қаратилган.

“Exploring the vital role of human resource management in the progress of Uzbekistan’s tourism sector” К.Хурана, З.Атаниязова.²⁴ Ушбу тадқиқотда муаллифлар Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш учун инсон ресурсларининг ҳолати ва муаммоларини ўрганиб чиқдилар ва муваффақиятга эришиш учун бошқарув йўлини тақдим этдилар.

ОЕСДнинг маълумотларига кўра: “Ўзбекистон бўйича давлат бошқаруви шарҳига кўра, 2019 йилда ташкил этилган Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги инсон ресурслари бошқарувида асосий рол ўйнайди. Агентлик кадрлар сиёсатига мувофиқ, давлат хизматчиларининг малакасини ошириш ва уларни самарали бошқариш бўйича стандартларни жорий қилишга масъулдир. Шунингдек, Агентлик миллий кадрлар захирасини шакллантириш ва унинг асосида келажакдаги салоҳиятли

²³ “The importance of the application of human resources management in the management of public sector organizations in Uzbekistan.” Файзиева М.Х. Fan, Ta’lim va Amaliyat Integratsiyasi. 2022. 2-нашр.

²⁴ https://www.researchgate.net/publication/378372217_Exploring_the_vital_role_of_human_resource_management_in_the_progress_of_Uzbekistan's_tourism_sector

раҳбарларни тайёрлаш учун замонавий ёндашувларни жорий қилмоқда. Бу жараён давлат хизматининг стратегик бошқарувини таъминлашга қаратилган²⁵.

Тадқиқотчилар Г.Абдурахманова, С.Ғойипназаровлар “Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида инсон ресурсларини бошқариш” номли кўлланмасида инсон ресурсларини бошқаришнинг алоҳида тизими ҳақида шундай фикр беришади:

Бу тизимга кўра, ходимлар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ишга қабул қилинади, лавозимларга тайинланади ва ишдан бўшатилади. Бу тизимдаги давлат хизматчилари марказий ҳукумат таркибиға кирмайди. Ҳатто, бу тизимда давлат хизматчиларининг бир маҳаллий ҳокимият органидан бошқасига горизонтал ўтиш имконияти чекланган. Ушбу турдаги тизим одатда Буюк Британия, АҚШ, Финландия, Япония ва бошқа ривожланган мамлакатларда мавжуд.

Ижобий хусусиятлар:

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мустақиллигини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Салбий хусусиятлар:

Ривожланаётган мамлакатлар маҳаллий ҳукумати томонидан бу тизимни ривожланган мамлакатлар контекстида ўзгартиришларсиз тўлиқ қабул қилиниши баъзи бир салбий оқибатларга олиб келиши мумкин;

Ходимларнинг ҳаракатчанлигини чеклайди ва уларнинг мартаба йўлларини чеклайди.

Иқтидорли ходимларни жалб этиш ва ушлаб туришни қийинлаштиради, чунки маҳаллий ҳукумат яхши хизмат кўрсатиш шартлари ва шароитларини таъминлай олмайди, чунки уларнинг молиявий аҳволи яхши эмас.

Кадрлар тизимининг ишга қабул қилиш, лавозимга кўтарилиш, ўқитиш ва ҳ.к. каби муҳим соҳаларида сиёсий ҳомийлик, қариндошрууғчилик, фаворитизм муҳитини яратиш қўламини кенгайтиради.²⁶

Тадқиқотчи Козимбек Гафуров ўзининг “Uzbekistan’s Digitalization of Human Resources Management System: Advantages and Prospects.” илмий мақоласида шундай маълумотларни келтириб ўтади: “Ўзбекистонда инсон ресурслари бошқарувида рақамили технологияларнинг жорий қилиниши кадрларнинг самарадорлигини ошириш ва давлат хизматининг рақобатбардошлигини таъминлаш учун муҳим омил ҳисобланади. Бу жараёнда катта маълумотлар таҳлилидан фойдаланиш орқали ходимларнинг иш самарадорлигини баҳолаш ва уларнинг малакасини

²⁵ <https://www.oecd.org/en/publications.html>

²⁶ Гулнора Абдурахманова, Санжар Ғойипназаров “Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида инсон ресурсларини бошқариш” Кўлланма, Тошкент 2022, 10-бет

такомиллаштириш имконияти яратилмоқда. Шунингдек, IT-компетенцияларни ривожлантириш учун мамлакат бўйлаб 300 дан ортиқ ўқув марказлари ташкил этилди.”²⁷

Тадқиқот методологияси

Мазкур тадқиқотнинг асосий мақсади – давлат фуқаролик хизмати тизимида инсон ресурсларини ривожлантириш механизмларининг тарихий ривожланишини таҳлил қилиш ва замонавий тенденцияларни ўрганиш орқали ушбу механизмларнинг самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқишидир.

Таҳлил ва натижалар

Давлат фуқаролик хизмати тизимида инсон ресурсларини ривожлантириш масаласи бугунги кунда жаҳон миқёсида долзарб аҳамият касб этмоқда. Давлат хизматчилари самарадорлигини ошириш ва уларнинг малакасини доимий равишда такомиллаштириш ҳар бир давлатнинг ижтимоий-иктисодий тараққиёти учун муҳим ўрин тутади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, инсон ресурсларини ривожлантириш механизмлари давлат бошқаруви самарадорлигини оширишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Масалан, Канада ва Жанубий Корея каби мамлакатларда давлат хизматчилари учун маҳсус тренинг дастурлари ва узлуксиз таълим тизимлари жорий этилган бўлиб, бу уларнинг касбий маҳоратини оширишга хизмат қилмоқда.²⁸

Ўзбекистонда ҳам ушбу йўналишда катта ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги давлат хизматчиларининг малакасини ошириш, уларни баҳолаш ва рағбатлантириш тизимларини такомиллаштириш бўйича қатор ташабbusларни илгари сурмоқда.²⁹

Шунингдек, маҳаллий давлат бошқарув органларида инсон ресурсларини бошқаришнинг стратегик аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараён давлат хизматчиларининг самарадорлигини ошириш орқали жамият тараққиётига ҳисса қўшади.

Инсон ресурсларини ривожлантириш (ИРР) - бу инсонларнинг малакаси, билимлари ва қобилиятларини оширишга қаратилган тизимли жараён бўлиб, унинг асосий мақсади ташкилотнинг стратегик мақсадларига эришиш учун инсон потенциалидан самарали фойдаланишидир. Давлат фуқаролик хизмати тизимида ИРР нафақат

²⁷ Kozimbek Gafurov. Uzbekistan’s Digitalization of Human Resources Management System: Advantages and Prospects. <https://timeskuwait.com/>

²⁸<https://www.astanacivilservicehub.org>

²⁹ “Маҳаллий давлат хокимияти органларида инсон ресурсларини бошқариш” Ўқув қўлланма. Г.Абдурахманова, С. Фойипназоров. Тошкент 2022.

хизматчиларнинг шахсий ўсишини таъминлайди, балки давлат бошқарувининг самарадорлигини оширишга ҳам хизмат қиласди.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, инсон ресурсларини ривожлантиришнинг асосий элементлари қуидагиларни ўз ичига олади:

Тахмин ва режалаштириш: Бўлажак эҳтиёжларни аниқлаш ва келажакдаги кадрлар талабини тахмин қилиш.

Таълим ва тренинглар: Хизматчиларнинг малакасини ошириш учун доимий ўқув дастурларини такомиллаштириш.

Танлов ва жойлаштириш: Мос номзодларни танлаш ва уларни тўғри лавозимларга тайинлаш.

Бошқарув ва баҳолаш: Давлат фуқаролик хизматчиларнинг самарадорлигини баҳолаш ва уларни рағбатлантириш.

Давлат хизматининг ўзига хос хусусиятлари

Давлат фуқаролик хизмати хусусий сектордан бир қатор муҳим жиҳатлари билан фарқ қиласди:

1. Жамоат манфаатларига йўналтирилганлик: Давлат хизматчилари ўз фаолиятида жамият манфаатларини биринчи ўринга қўядилар.

2. Қонунчиликка мувофиқлик: Давлат хизматчилари ўз вазифаларини қатъий ҳуқуқий нормалар асосида бажарадилар.

Масъулият ва ҳисобдорлик: Давлат хизматчилари ўз иш фаолиятида юқори даражада масъулиятли бўлиб, жамоат олдида ҳисобдордирлар.

Махсус малака талаблари: Давлат хизматида ишлаш учун маҳсус билим ва кўнималар талаб этилади, бу эса доимий таълим ва малака оширишни зарур қиласди.

Ўзбекистонда давлат хизмати тизимида ислоҳотлар ушбу соҳанинг ўзига хос хусусиятларига мос равишда амалга оширилмоқда. Хусусан, давлат фуқаролик хизматчиларининг малакасини ошириш бўйича маҳсус дастурлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар замонавий ахборот технологиялари ёрдамида амалга оширилмоқда.

Жанубий Корея мисолида стратегик ёндашувнинг аҳамияти яққол намоён бўлади. У ерда давлат хизматчилари учун маҳсус тренинг дастурлари ва компетенцияларни баҳолаш тизимлари жорий этилган бўлиб, бу уларнинг касбий маҳоратини оширишга ёрдам бермоқда.³⁰

Ўзбекистон ҳам ушбу йўналишларда фаол иш олиб бормоқда. Хусусан, яратилаётган янги механизмлар давлат хизматчиларининг малакасини оширишга қаратилган.

Ушбу назарий асослар давлат фуқаролик хизмати тизимида инсон ресурсларини ривожлантиришнинг долзарблигини яна бир бор

³⁰ <https://www.astanacivilservicehub.org>

тасдиқлайди. Улар асосида замонавий механизмларни яратиш орқали давлат бошқарувининг самарадорлигини янада ошириш мумкин.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда ушбу йўналишда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Мисол учун, 2 миллиард долларлик сармоя, жумладан, 700 миллион доллар тўғридан-тўғри молиялаштириш ҳисобидан мамлакатда 14000 та яхши маошли иш ўрни яратилди ва 43 минг нафар якка тартибдаги тадбиркорлар қўллаб-қувватланди. My.gov.uz портали 8 миллиондан ортиқ фуқаролар томонидан фойдаланилдиган 570 та онлайн хизматларни таклиф этади, бу эса қулайлик ва самарадорликни оширади.

Шу билан бирга, рақамли дунёда иш усуллари доимий равища ривожланиб бормоқда ва технологик ўзгаришлар бу ўзгаришларда ҳал қилувчи ролни ўйнайди.

Замонавий рақамли технологияларнинг пайдо бўлиши жамиятда кенг миқёсда рақамлаштиришга олиб келди, бу давлат хизматчиларидан янги иш, алоқа ва хизматлар қўрсатиш усулларига мослашиш заруратини туғдирди. Сунъий интеллект ходимларни бошқаришда жараёнларни автоматлаштириш, ходимларга бўлган талабларни башорат қилиш ва иш оқимларини соддалаштириш учун тобора кўпроқ фойдаланилмоқда, бу ходимлар эҳтиёжларига аниқроқ мослашиш ва ходимларни янада самарали бошқариш имконини беради.

HR-ахборот тизимларини интеграциялаш ташкилотларга бир қатор афзалликларни тақдим этади, жумладан, кадрлар бўйича марказлаштирилган ёзувлар, маълумотларнинг такрорланишини камайтириш, жараёнларни автоматлаштириш, такомиллаштирилган таҳлил ва ҳисбот бериш, маълумотга асосланган бошқарув қарорлари, самарадорлик ва самарадорликни ошириш. Ушбу имтиёзлар HR операцияларини оптималлаштириш, ташкилот самарадорлигини ошириш ва стратегик HR ташаббусларини қўллаб-қувватлашга ёрдам беради.

HR ахборот тизимларининг интеграцияси кўплаб афзалликларни тақдим этади, жумладан, ташкилотнинг HR ёзувларини марказлаштирилган сақлаш ва бошқариш, маълумотларнинг такрорланишини камайтириш, жараёнларни автоматлаштириш, яхшиланган таҳлил ва ҳисбот. Маълумотларга марказлаштирилган кириш аналитик ва ҳисботларнинг аниқлиги ва ахборотлилигини оширади, бу эса бошқарув қарорларини оқилона қабул қилиш имконини беради³¹.

Бугунги кунда Ўзбекистонда давлат фуқаролик хизматига ёш салоҳиятли кадрларни жалб қилиш асосий устувор вазифалардан бири

³¹ Kozimbek Gafurov. Uzbekistan’s Digitalization of Human Resources Management System: Advantages and Prospects. <https://timeskuwait.com/>

бўлиб ҳисобланмоқда. Маълумот сифатида айтадиган бўлсак Ўзбекистонда ҳар йилда **600 000 нафардан** ортиқ ёшлар меҳнат бозорига кириб келмоқда, **2030 йилга** бориб бу қўрсаткич **1 миллиондан** ошиши кутулмоқда. **18-35 ёшгача** бўлган ёшларнинг давлат хизматига муносабатини аниқлаш учун «Ижтимоий фикр» маркази тадқиқот ўтказди. Натижаларга кўра, ёшларнинг **49,4 фоизи** давлат органларидағи ишга қизиқишини билдирган. Жинсга кўра фарқлар: **55,6 фоизи** қизлар, **44,6 фоизи** ўғил болалар давлат ташкилотларидағи ишни афзал кўришган.

2020 йилдан бошлаб давлат хизматига энг истиқболли кадрларни очиқ танлов асосида жалб қилиш тизими амалиётга жорий этилди. Номзодларни танлаш тизимининг асосий шарти барча босқичларнинг мутлоқ очиқлиги ва шаффоғлиги. Номзодлар бўш лавозимларга белгиланган талаблар, масъулият доираси, иш фаолиятини баҳолаш меъёрлари ва назорат қилиш бўйича маълумотлар билан олдиндан танишиш имкониятига эгадирлар.

2020-2023 йилларда давлат органлари ва ташкилотлардаги бўш лавозимларга **150 000** дан ортиқ танлов ўтказилди. Арзаларнинг умумий сони **24 миллионни** ташкил этди. Натижада **60 000 нафар** фуқаро давлат хизматига қабул қилинди, уларнинг **19 000 нафари** (28%) **30 ёшгача** бўлган ёшлар ташкил этган.³²

Холоса ва таклифлар

Ўзбекистоннинг давлат фуқаролик хизмати тизимида инсон ресурсларини ривожлантириш соҳасидаги олиб бораётган ислоҳотлари мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида катта аҳамият касб этмоқда. Институционал яхлитликка эришиш ва замонавий бошқарув механизмларини жорий этиш жараёнида, тарихий тажриба, мустақиллик йилларидағи ютуқлар ҳамда ривожланган давлатларнинг илғор методларидан унумли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги аниқланди. Шунингдек, давлат фуқаролик хизматини меҳнат бозори талабларига мос билим ва кўникмаларга эга бўлиши, уларнинг миллий ва халқаро миқёсда рақобатбардошлигини ошириш - умумий тараққиётнинг асосий кўрсаткичиdir.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, инсон ресурсларини бошқаришда инновацион ёндашувлар ва рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш зарур. Бунда ходимларнинг малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш ва иш берувчилар ҳамда таълим муассасалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни кучайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Таклифлар:

³² “Human resources development and management system in new Uzbekistan” A.Akramov, M.Bayonov. <https://www.unjournal.kr/>

1. Замонавий меҳнат бозори талабларига мослаштириш

Инсон ресурсларини ривожлантиришда давлат фуқаролик хизмати тизимини меҳнат бозори талабларига мувофиқлаштириш мақсадида мутахассисларнинг доимий малака ошириш дастурларини яратиш, такомиллаштириш ва амалга ошириш зарур.

2. Рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш

Давлат фуқаролик хизмати ходимларини бошқариш жараёнида рақамли платформалар ва автоматлаштирилган тизимларни кенг жорий қилиш таклиф этилади. Бу самарадорлик ва аниқликни оширишга ёрдам беради.

3. Халқаро ҳамкорликни қучайтириш

Ривожланган давлатларнинг инсон ресурсларини бошқариш бўйича энг яхши амалиётларини чукур ўрганиш ва уларни маҳаллий шароитларга мослаб татбиқ қилиш зарурати.

4. Инсон ресурслари самарадорлигини баҳолаш тизимини йўлга қўйиш

Кадрларнинг профессионал кўникмаларини тизимли баҳолаш ва уларни замонавий меҳнат бозори талабларига мослаштириш мақсадида янги баҳолаш механизмларини (крі тизими) жорий этиш зарур.

5. Таълим тизимини ривожлантириш

Давлат фуқаролик хизмати билан боғлиқ таълим дастурларини ривожлантириш ва илғор касбий стандартлар асосида янги ўқув материалларини жорий этиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги ПФ-5843-сонли Фармони. "Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида". Манба: <https://lex.uz/docs/4549998>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли Фармони. «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида. Манба: <https://lex.uz/docs/6600413>

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари. Расмий веб-сайти: <https://stat.uz/uz/>

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-yil 11-сентябрдаги «Ўзбекистон - 2030» Стратегияси тўғрисида ПФ-158-сон Фармони. Манба: <https://lex.uz/ru/docs/6600413>

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг расмий материаллари. Расмий веб-сайти: <https://argos.uz/oz>

6. Г.Абдурахманова, С.Фойипназаров “Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида инсон ресурсларини бошқариш” Кўлланма, Тошкент 2022
7. ОЕСД ва World Bank ҳисоботлари (хукумий статистика ва таҳдиллар).
8. Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувига оид норматив хужжатлар ва стратегик режалар.

Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali



+998 71 239 28 13



Tashkent, Uzbekistan



ilmiy maktab@gmail.com



www.laboreconomics.uz